кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.
4.2.Кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.
4.3.Тарафларнинг мазкур шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

**5.Форс-мажор ҳолатлари**

5.1.Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)
5.2.Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.
5.3.Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

**6.Низоларни ҳал этиш тартиби**

6.1.Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда тарафлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.
Тарафлар ўзаро келиша олмаган тақдирда, келишмовчилик ва низолар суд тартибида ҳал қилинади.
6.2.Тарафлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун Тошкент туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

**7.Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби**

7.1.Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина юридик кучга эга.
7.2.Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

**8.Якуний қоидалар**

8.1.Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.
8.2.Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.
8.3..Мазкур шартнома тарафлар томонидан имзолангандан сўнг қонуний кучга киради ва 2021 йил 31 декабргача амал қилади.

**9.Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари**

Ижрочи:

“Ўзбекистон овози” ва “Голос Узбекистана”
газеталари таҳририяти.
Манзили: 100000 Тошкент ш. Чилонзор тум.
Бунёдкор кўч. 50 (а)-ўй
Тел:(91).190-19-49.
Ҳ/Р № 20210000100131222001
Банк:АТ“АГРОБАНК”Тошкент ш.
МФО №:00394.
ИНН: 201069406. ОКЭД 58130.

Бош муҳаррир ________________
(имзо)

Буюртмачи:

Манзили: АО «УРГАНЧ ЁГ-МОЙ»
Р/С 20208000800403368001
Тел: ИНН 201004408
Ҳ/Р МФО 00547 НАЧ.БАНК
Банк: Г.УРГЕНЧ УЛ ДОСОВА 2
МФО №: ________________
ИНН: __________ ОКОНХ. ________

Раҳбар ________________
(имзо)